

Tadqiqot uz

# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ

## МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

» Ҳуқуқий тадқиқотлар
» Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
» Тарих саҳифаларидаги изланишлар
» Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
» Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
» Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
» Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
» Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
» Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
» Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
» Физика-математика фанлари ютуқлари
» Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
» Кимё фанлари ютуқлари
» Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
» Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
» Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

doi Crossref iD

30 SENTYABR
№32

CONFERENCES.UZ

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ
## 4-ҚИСМ

# МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ 32-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
## ЧАСТЬ-4

# MATERIALS OF THE REPUBLICAN 32-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL RESEARCH IN UZBEKISTAN"
## PART-4

**ТОШКЕНТ-2021**

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]**

**"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар"** мавзусидаги республика 32-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

**1. Каттаханова Дилнозахон Собир қизи**
ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ИШТИРОКИ: ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ .......... 7

# СОЦИОЛОГИЯ ВА ПОЛИТОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

## ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ ИШТИРОКИ: ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

**Каттаханова Дилнозахон Собир қизи**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси
Телефон: +998909964555
dskattakhanova@gmail.com

**Аннотация:** Мақолада ёш кадрларни давлат бошқаруви тизимига, раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш борасидаги айрим Осиё мамлакатлари, жумладан, Озарбайжон, Нигерия, Фаластин, Камбоджа, Ливан, Бангладеш ва бошқаларнинг тажрибаси ўрганилиб, ижобий натижа берган лойиҳаларни Ўзбекистон шароитида тадбиқ қилиш механизмлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** давлат бошқаруви, сиёсий иштирок, қарор қабул қилиш жараёни, ёшларнинг жалб қилиниши, парламентаризм, сиёсий институтлар, ёш кадрлар.

Ёшларни давлат бошқарувига тайёрлашнинг синлаган йўли – уларнинг ўқувчилик ва талабалик давридан ташаббус ва интилишларини турли уюшмалар, лойиҳалар, сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар атрофида бирлаштириш.

Бу борада кўп хорижий мамлакатларда синалган тажрибалар мавжуд бўлиб, Ёшлар парламенти, сиёсий ташкилотларнинг моделлаштирлган кўриниши (БМТ модели), сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти, ёшлар нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқалар йиллар давомида жуда кўп бугунги кунда раҳбарлик лавозимларида фалият олиб бораётган сиёсатчилар ва бошқарувчиларни тарбиялаб, етиштирганлар. Аммо турли мамлакатларда бу жараёнлар ва тузилмаларнинг ўрни, аҳамияти ва фаолияти турлича бўлиб, уларни таҳлил қилиш орқали, мамлакатимиз учун энг оптимал тажрибаларни аниқлаш мумкин бўлади.

Араб уйғонишидан буён Осиё минтақасидаги кўплаб ёшларнинг сиёсий фаоллиги турли “сиёсий ҳаракатлар” орқали ривожланганлигини кузатиш мумкин, сиёсий партиялардаги ёшлар иштироки ва фоллиги эса, аксинча анча суст бўлган. Ёш йигитлар ва қизлар, таълим муассасаси буни қўллаб-қувватласа, талабалик даврида сиёсий жиҳатдан анча фаол бўлиши тенденцияси кузитилади, бироқ олий ўқув юртини битиргандан сўнг кўпинча сиёсий институлар ва жараёнлардан четда қолади ва натижада сиёсий иштирокдан умидсиз бўлиб қоладилар. Оқибатда эса Осиё мамлакатлари ёшларининг сиёсий фаоллиги расмий сиёсий тузилмалар орқали амалга оширлмайди.[1]

**Ёшларнинг сиёсий иштироки турли мамлакатлар мисолида**

**Нигерия**да Конституцияни қайта кўриб чиқиш жараёнида БМТД ёшларнинг иштирокини қўллаб-қувватлади. Нигерия Ёшлар партияларaро форумида эса 2015 йилда ўтказиладиган сайловларда ёшларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган Ёшларнинг сиёсий иштироки кун тартиби ишлаб чиқилди.

**Бангладеш**да маҳаллий ва миллий даражада ёшларнинг Парламент аъзолари билан тўғридан-тўғри мулоқотини йўлга қўйиш орқали қарор қабул қилиш жараёнига ёшларни жалб қилиш мақсадида Миллий ёшлар парламенти ташкил этилди.

**Иордания**да ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тренинглар, мунозара дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Мазкур жараён Сиёсий тараққиёт вазирлиги

[1] UNDP (2012) Enhancing Youth Political Participation throughout the Electoral Cycle

томонидан мувофиқлаштирилиб, ёшларнинг Facebook ва Twitter ижтимоий тармоқларида онлайн сиёсий суҳбатлар, мунозара ва дебатларда фаол иштирок этиши қўллаб-қувватланди, лойиҳада иштирок этган ёшларнинг электрон маълумотлар базасини шакллантирилди. Шунингдек, ёшлар учун инновацион ўқув оромгоҳи кўринишида "Маҳаллий бошқарув" лойиҳаси амалга оширилиб, ёшлар сайловлар моделида иштирок этиш орқали сайловчилик амалиётини ўрганиш, омма олдида нутқ сўзлаш, лидерлик кўникмаларини ривожлантириш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини ошириш ва бошқа имкониятларга эга бўлдилар. Мазкур лойиҳага ёшларни жалб қилиш мақсадида "DemocraTweet" ўйини ишлаб чиқилди.

**Фаластин**да мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий етакчиларига таъсир ўтказиш мақсадида олий ўқув юртлари кенгашларининг ёшлар билан мулоқот маданиятни ривожлантириш ишлари йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа Фаластиннинг ёшлар жамоат ташкилоти SHAREK билан ҳамкорликда барча олий таълим муассасалари ва талабалар кенгашларини қамраб олди. Фаластин бўйлаб 7та университетнинг талабалар кенгашини сиёсий етакчилар билан мулоқот ўрнатиши мақсад қилиб олинган бўлиб, сайлов ва қарор қабул қилиш жараёнларида ёшларнинг иштирокини оширишга эришилди, айниқса бу чора-тадбирларни амалга оширишда ёш хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилди.

**Ливан**да Праламент амалиёт дастури барча олий таълим муассасаларининг талабаларига сиёсатни амалга ошириш жараёнида ишитрок этишни таклиф қиладиган катта лойиҳага айланди. Мазкур дастур ёшларга давлат сиёсатини амалга ошириш кўникмаларини ўргатиши; ёшларни парламентнинг қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи қункциялари ҳамда миллий ва минтақавий масалаларда парламент дипломатияси билан таништириши илан ғоят аҳамиятлидир.

Халқаро демократия кунида "Араб дунёсида демократик ўзгаришлар ва уларнинг Ливанга таъсири" мавзусида конференция сиёсий партияларнинг аъзолари бўлган ёшлар ва аёллар иштирокида ўтказилди.

Учрашувд ёшлар ва аёллар ташкилотларининг ташаббуслари ва сиёсий партияларнинг фаолияти ўртасида боғлиқлик ва мулоқотни йўлга қўйишга, Ёшлар ҳаракат режаси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишига хизмат қилди.

**Ливия**да ижтимоий тарнсформациялар рўй бераётган бир пайтда ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг овозини эшитиш мамалкат ўтиш даври ҳукуматининг устувор вазифаларидан бири бўлди. "Ўтиш даври мониторинги ва бошқарув ҳисобдорлиги" лойиҳаси ёшлар ташкилотлари учун давлат идораларини баҳолаш бўйича тренингларни назарда тутган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда жамоатчилик назоратини амалга оширишда ёшларнинг иштирокини кенгайтиришга, ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, Миллий Ўтиш Кенгашидаги мунозаралар, Констутиция ва сиёсий партияларни ривожлантиришда уларнинг иштироки даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизмини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

**Камбоджа**да маҳаллий ва миллий сайловлага тайёргарлик кўришга қаратилган "Демократияни мустаҳкамлаш дастури/компоненти: ёшлар мултимедия фуқаролик таълим ташаббуси" 3 миллион ёш сайловчиларни қамраб олишни мақсад қилган. Мазкур дастур ёшларнинг билими, қарашлари ва тажрибалари асосида BBC Media Action билан ҳамкорликда тайёрланган телевизион ва радиоэшиттирувлар туркумини ташкил қилади. Эшиттирувлар ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ҳаётий тажрибаларга асосланган қизиқарли ҳаётий воқеаларга асосланган ва улар жамиятда ёшларнинг сиёсий фаол бўлишдан тўхтатиб турадиган турли стереотипларни бузиш кўзланган. Трансляциядан сўнгги тадқиқотларга кўра, ёш сайловчиларнинг сиёсий иштироки ҳақидаги ижобий фикрлар кўпайган.

**Мўғулистон**да фуқаролик таълими орқали ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш лойиҳаси ёшлар фуқаролик таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш учун тавсиялар ишлаб чиқди ҳамда ёш журналистларни тарбиялаб, Facebook ижтимоий тармоғида "DemoCrazy" гуруҳини ташкил қилди. Ёшлар масалаларига қаратилаётган эътиборнинг кучайиши Ижтимоий таъминот вазирлигининг ёшлар сиёсатини ривожлантириш қарорида яққол намоён бўлмоқда.

**Озарбайжон**да Қарор қабул қилиш ва сиёсатни амалга оширишда ёшларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган лойиҳа Озарбайжон миллий сиёсатининг ёшлар

ташвишларига қанчалик муносиб жавоб беришини ўрганиш, шунингдек, Озарбайжон ёшлари бўйича Давлат дастури ижросини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг бирламчи воситасини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Мамлакатнинг кейинги йиллардаги ривожланиш стратегиясини белгилайдиган ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида ёшларнинг иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ёшлар оромгоҳи ташкил этилиб, оромгоҳ қатнашчиларининг берган таклиф ва тавсиялари ҳукуматга тақдим этилди.

**Ҳиндистон**да давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш мақсадида, давлат идоралари ўз брендини яратади. Иш берувчининг бренди – меҳнат бозорида иш изловчилар ёки мавжуд ходимлар томонидан шакллантирилган ва ушбу ташкилотда иш билан таъминланадиган афзалликлар мажмуини ўз ичига олган ташкилотнинг имиджидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йилда мамлакат Парламентига йўллаган Мурожаатномасида давлат идораларида малакали ва етук кадрлар етишмаётгани, ҳанузгача давлат хизматчиларининг мақоми белгиланмаганлиги, давлат хизматига қабул қилишнинг ошкора механизмлари ишлаб чиқилмаганини таъкидлаб, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш учун, аввало, давлат хизматчилари фаолиятини холисона баҳолаш бўйича самарали тизим жорий этиш зарурати хусусида тўхталиб ўтганлар[1].

Мақолада таҳлил қилинган хорижий мамлакатлар амалиётини Ўзбекистонда қўллаш борасидаги тавсияларни кейинги илмий ишларимизда батафсил ёритамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://president.uz/uz/lists/view/2228
2. UNDP (2012) Enhancing Youth Political Participation throughout the Electoral Cycle
3. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд.-Т.: Фан, 1968. -Б. 238.
4. Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. –Т.: Фан, 2007. -500 б.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси https://president.uz/uz/lists/view/2228

# "ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

**(4-қисм)**

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2021

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000